

---

## ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ...

Риштон тумани ҳокими ўринбосари-Маҳалла ва оилани қўллаб- қувватлаш бўлими бошлиғи М.Бекмирзаева ва унинг кексалар бўйича ўринбосари Т. Абдурахмонов, туман прокурори ўринбосари А. Латипов ва туман ИИБ бошлиғи ўринбосари жамоат ҳафсизлиги хизмати бошлиғи подполковник Х.Тешабоевлар иштирокида, Даҳбед, М.Топволдиев, Т.Аҳмедов, Деҳқонобод ва Боғистон МФЙларда жиноятчиликни олдини олишга бағишланган муҳокама йиғилишини ўтказдилар.Йиғилишда, 2021 йилда содир этилган жиноятлар ва уларга яратиб берилган шарт-шароитлар юзасидан, йиғилиш иштирокчиларига маълумот берилиб, маҳалладаги жиноятга мойиллиги бор оилалар билан ишлаш борасида олиб борилиши лозим бўлган масалалар юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди.Шунингдек ўтказилган муҳокама йиғилишлар чоғида, содир этилган жиноятларнинг олдини олиш имкони бўлгани бироқ, бефарқлик ва эътиборсизлик сабабли шундай хунук ҳолатлар юзага келаётгани билдирилди.Ўтказилган йиғилишлар сўнгида, мутасаддилар томонидан барчани огоҳликка чақирган ҳолда МФЙ раислари ва профлактика инспекторларига ҳамда маҳалла фаолларига 2022 йилда жиноятларни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб олишлари юзасидан кўрсатмалар берилди.

2022-02-05 06:31:12